

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

519 Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва
муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1708-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 13 июлдаги 01/16-712-сон қарори (рўйхат рақами 1708, 2007 йил 3 сентябрь) (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 35-36-сон, 366-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор 2017 йил 1 январдан бошлаб кучга кирилади.

Раис

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 25 октябрь,
01/14-26/42-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат
қўмитасининг 2016 йил 25 октябрдаги
01/14-26/42-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва
муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-иловадаги «ХХТУТ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 3-иловадаги «ХХТУТ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 4-иловадаги «ХХТУТ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2016 йил 11 октябр

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТУРАЕВ

2016 йил 11 октябр